

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

ЖДПИ ўқит.Аблякимова Р.И

ЖДПИ кат.ўқит.Усмонов А.Ж

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф бугунги кунда умумтаълим мактабларини бошқаришда замонавий ёндошув масаласига эътибор қаратган.

Калит сўзлар: таълим-тарбия тизими, бошқарув, жамоа, мактаб, директор, ўқитувчи, халқ таълими.

Бугунги кунда таълим-тарбия тизими бошқарувида ва ижтимоий ривожланишда кенг миқёсли ислохотлар ўтказилиши натижасида бу борада амалга оширилаётган ишлар мазмуни янгича ёндашувни талаб этмоқда. Умумий ўрта таълим тизими ижтимоий бошқарувнинг таркибий қисми сифатида унга раҳбарлик қилиш ва бошқариш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Негаки, шахсни ҳар томонлама тарбиялаш ва шакллантириш умумий ўрта таълим мактабининг таянч вазифаси сифатида мураккаб жараён ҳисобланади. **“Мактаб – бу ҳаёт-маммот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак”**, деди **Шавкат Мирзиёев.**

Жамиятнинг бурчи фарзандларни устозларидан олган ўғитларига таяниб, келажакда Ватанга муҳаббат ва миллий урф-одатларни ҳурмат қиладиган ва ўзида ижобий сифатларни шакллантирадиган ёшларни тарбиялашдир. Жамият талабларига бўйсинган авлод келажак ворисига айланади.

Мактаб – халқ ва давлат томонидан қадрланган ҳамда ҳамиша диққат марказида турган муассасадир. Буюк мутафаккирлар мактабнинг жамиятда тутган ўрнини ҳисобга олиб, уни халқ учун жуда муҳимлигини эътироф этишган. Умумтаълим мактабларини бошқариш унинг раҳбаридан билим ва бошқарув санъатини ҳамда бугунги кунда таълим муассасасини бошқариш

унинг раҳбаридан замонавий менежмент усуллари яхши билишни талаб этади. Мактаб раҳбарларининг энг муҳим томони ўқув-тарбия ишларини назорат қилишдир. Директор ва унинг ўринбосарлари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятини тизимли назорат қилиши, улардаги масъулиятни оширади, мунтазам ўз устида ишлашга ундайди. Директорнинг ташкилотчилик ва етакчиликдаги ўрни барча педагогларни, ўқувчилар ва ота-оналар жамоаларини бошқариш ишига жалб қилиш, уларнинг куч-ғайратини жамоа фикрлари ва ишга мувофиқлаштириш, шунингдек, ижодий фаолият жараёнига тортиш, алоҳида бўғинлар ўртасида алоқанинг таъсирчан тизимини яратиш, ўқувчи ва педагоглар ташаббусини рағбатлантириш, маънавий кадриятлар асосида фаолият юритиш, педагогик фаолиятнинг муҳим масалалари юзасидан умумтаълим мактаб жамоаси аъзоларига йўл-йўриқлар беришдан иборат. Буларнинг барчаси раҳбардан чуқур назарий билим, ташкилотчилик қобилиятини талаб этади. Шунингдек, кенг кўламда фикрлай олиши, жамоада муайян психологик кайфият ва қулай ахлоқий муҳит яратишни талаб этади. Албатта, буларга бугунги кунда мактабларда фаолият юритаётган ва бевосита ўқув-тарбиявий ишларга ёрдам бераётган педагоглар кенгаши, ўқитувчилар ва синфрах барлари метод бирлашмалари, ота-оналар кўмиталари, васийлик кенгашлари киради. Улар билан режа асосида ишлаш, мактабнинг давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиши директорнинг яхши раҳбар эканлигидан далолат беради. Директор яхши ташкилотчи, тадбиркор бўлиши ҳам бугунги кунда талаб этилади. Маълумки, мактабда ўқувчилар таълим-тарбия олиш билан бирга ўз қизиқишларига қараб, бўлажак касбларига, йўналтиришда мактаб психологларининг роли катта.

Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини тизимли равишда касб – ҳунарга йўналтириш керак. Бунда мактаб ва оила ҳамкорлиги муҳимдир. Умумтаълим мактаб раҳбарияти қуйидаги омиллар бўйича ёшларни касб – ҳунарга йўналтириши мақсадга мувофиқдир.

Бунда : – ўқувчиларнинг касб – ҳунарга қизиқишини ўрганиш;

- танлаган касбнинг ёки ҳунарнинг моҳиятини англаганлиги билиш;
- ота-оналарнинг истагини ўрганиш;
- ўқувчиларни касб – ҳунарга ота-оналар, психолог, мактаб раҳбарияти маслаҳатлашган ҳолда йўналтириш кабилар бошқарув вазифаларининг биридир.

Умумтаълим мактаби бошқарувида директор шахси структурасини уч асосий: инновацион фаолият, бошқарувда компетентлилик ва касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар каби компонентларни ўз ичига олади. Бошқарув компонентларининг асосий кўрсаткичлари сифатида бошқарув функцияларини бажаришда:

- замонавий метод ва воситалардан фойдаланиш;
- ташқи муҳитнинг ўзгаришларини инобатга олиш;
- мактаб ва социум муносабатларида узлуксиз алоқани таъминлаш;
- жамоанинг ҳаётий фаолиятини мавжуд вазиятларга мослаштириш; – бошқарувда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан фойдаланиш;
- педагогик жамоани бошқаришда таълим менежменти асосларини амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик компонентларнинг асосий кўрсаткичлари сифатида эса:

- таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва замонавий илмий-методик қўлланмалар билан таъминлаш;
- давлат таълим стандартларини амалиётда қўллаш ва унинг мониторингини олиб бориш, педагогик ходимлар ва ўқувчилар ўртасида анкета сўровлари ва тест синовлари ўтказиш;
- лавозимлар бўйича давлат талаблари асосида кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш, таълим муассасаси педагогик ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этишни келтириш мумкин”¹

¹ Д.Раҳматуллаев, М.Абдуллаева. Умумий ўрта таълим тизимини бошқариш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 116 бет.

Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мактаб бошқарувини тўғри ташкил қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш шарт. Булар:

- таълим сифатини янги даражага кўтариш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш;

- Мактаб раҳбарияти ўз вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ билиши;

- педагог ходимларни танлашда кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг замонавий тамойилларини жорий этиш;

- халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

- жамоатчилик назоратида шаффоф ва самарали тизимни йўлга қўйиш;

- телекоммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш;

- электрон базаларни яратиш;

- ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришни ва ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш;

- ўқитувчиларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитларни яратиш;

- мактабга илғор тажрибани, ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш;

- ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг янги авлоди билан мактаб кутубхонасини бойитиш каби ишлар умумтаълим мактабини самарали бошқаришда қўл келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ш.Мирзиёев.Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур.2019 й 23 август видеоселектордаги нутқидан.

2.Д.Раҳматуллаев, М.Абдуллаева. Умумий ўрта таълим тизимини бошқариш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 116 бет.

3.Ablyakimova, R. (2020). VIEW AND THEORIES ON FACTORS INFLUENCING MANAGEMENT DECISION-MAKING. *Архив Научных Публикаций JSPI, 11(1)*. извлечено от [https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1052](https://science.i-
edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1052)

[4.Organization of Tourism Services in Uzbekistan Based On The Combination of National Styles And Modern Innovations](https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8070811515113910592&btnI=1&hl=ru)

<https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8070811515113910592&btnI=1&hl=ru>